



European Commission

TEMPUS



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**



**ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Темпус дастурининг UnIvEnt—“ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ВА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАДБИҚ ЭТИШ
БОРАСИДА УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ РОЛИНИ
КУЧАЙТИРИШ ”**

**лойиҳаси доирасида тайёрланган
«Кичик корхона ва микрофирмаларда бухгалтерия ҳисоби ва
солиққа тортиш »
курси**



Т е м п у с П р о ж е к т

Муаллиф-тузувчилар: Р.Сўфиев, О.Умаров

Фарғона 2011

АННОТАЦИЯ

Мазкур қўлланма Европа ТЕМПУС дастури бўйича Фарғона давлат университети ва Фарғона политехника институтида 2011-2013 йилларда амалга оширилаётган “UnIvEnt” лойиҳаси доирасида тайёрланган “Тадбиркорликда бухгалтерия ҳисоби” номли курснинг мазмунини акс эттиради.

Қўлланма тадбиркорларга мўлжалланган бўлиб, уларнинг корхонада бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этишлари учун амалий ёрдам беради.

Мазкур қўлланма Европа комиссияси қўмагида ТЕМПУС дастури “UnIvEnt” лойиҳаси доирасида молиялаштирилган. Қўлланмада берилган материалнинг мазмунига муаллиф масъул бўлиб, Европа комиссиясининг нуқтаи-назарини акс эттирмайди.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида асосий воситалар қуйидаги манбалардан қабул қилинади:

- қурилиш тугалланган бино ва омборларни қабул қилиш;
- ўрнатиш учун қўшимча маблағларни талаб қилмайдиган асбоб ва мосламаларни қабул қилиш;
- фойдаланилган асосий воситаларни қабул қилиш;
- бошқа корхона ва ташкилотлардан асосий воситаларни қабул қилиш;
- қайтариб бермаслик шарти билан асосий воситани қабул қилиш;
- асосий воситаларни ижарага олиш.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар асосий воситаларнинг қабул қилиниши ёки уларни тугатилиши далолатномалар билан расмийлаштирилади. Агар қабул қилинаётган асосий воситалар бир корхонадан иккинчи бир корхонага берилган ёки сотилган бўлса, олаётган корхона раъбарининг фармойишига асосан махсус комиссия тузилади. Бу комиссия аъзолари асосий восита бўйича қабул қилиш далолатномасини тузадилар. Далолатномада асосий воситанинг номи, жойлашган ўрни, баланс баҳоси (сотиб олиш баҳоси) кўрсатилади. Агар қабул қилинган асосий восита ишлатилган бўлса, ишлаган даврига таалукли бўлган эскириш суммаси ҳам далолатномада кўрсатилади. Асосий воситаларнинг қурилиши Республика аҳамиятига эга бўлса, уларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома махсус давлат қабул комиссияси томонидан тузилади.

Корхона ва ташкилотларда асосий воситалар бевосита сотиб олиш йўли билан кўпайиб боради, уларни сотиб олиш манбаи бўлиб, ташкилотнинг ўзига таалукли манбалари ҳисобланади. Асосий воситаларнинг қабул қилинганлигини тасдиқловчи далолатнома тузилгандан кейин унинг бир нусхаси ташкилот бухгалтериясига тегишли техник ҳужжатлар билан топширилади. Бухгалтерияда далолатномага асосан қабул қилинган асосий восита тегишли журналда кўрсатилиб, унга инвентар тартиб рақамлари берилади ва ҳар бир асосий восита учун махсус инвентар варақа очилади, бу инвентар варақа шу асосий воситанинг фойдаланиш давридаги ҳолатини кўрсатиб беради. Асосий воситага берилган инвентар тартиб рақамининг биринчи ва иккинчи рақамлари асосий воситанинг қайси тармоққа ва қайси гуруҳларга тегишлилигини билдиради. Давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинган ва далолатнома билан расмийлаштирилган асосий воситаларга паспорт очилади. Асосий восита бўйича юритиладиган паспортда асосий воситанинг техник ҳолати, қабул қилинган вақти, қиймати, эскириши, меъёри кўрсатилади. Асосий воситалар бўйича паспорт ёки инвентаризация варақаси юритилиши биричидан ҳисобни, иккинчидан аналитик ҳисобни юритишда тегишли қулайликлар яратади. Ишлаб чиқариш, савдо тижорат ташкилотларида асосий воситаларга очилган инвентар варақалар тўлдирилади ва рўйхатга олинади.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш ва қайд қилиш китоби

№	Асосий воситанинг номи	Ўлчов бирлиги	Баланс баҳоси	Ой бошига қолдик		Кирим		Чиким		Ой охириги қолдик	
				Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
	Маъмурият										
1.	Бино	Дона	4000000	1	4000000						
2.	Офис мебели	Комплект	100000	3	300000						
3.	Ксерокс Panasonic	Дона	60000	2	120000						
4.	Сейф (пўлат)	Дона	18750	4	75000						
5.	Телетайп	Дона	37000	1	37000						

6.	Nexia автомашинаси	Дона	1500000	1	1500000						
7.	Tico автомашинаси	Дона	120000	1	120000						
8.	Pentium компьютери	Комплект	300000	1	300000						
	Жами				6452000						
	Ишлаб чиқариш										
1.	Цех биноси	Дона	8000000	4	32000000						
2.	Тикув машинаси	Дона	1500000	10	15000000						
3.	Шлиф. станок	Дона	300000	6	1800000						
4.	Бичиш станогли	Дона	300000	6	1800000						
5.	Пресс кондиционер	Дона	700000	-	-						
6.	Кром. станок	Дона	30000	6	180000						
7.	Болгар автокара	Дона	8500	2	170000						
8.	Трактор Т-34	Дона	75000	2	150000						
	Жами				38500000						
	Ношлаб чиқариш ва ёрдамчи хўжалик										
1.	Гунча болалар богчаси	Дона	14000000	1	14000000						
2.	Коинот оромгоҳи	Дона	60000000	1	60000000						
3.	Профилактория	Дона	59000000	1	59000000						
4.	Ётоқхона	Дона	32000000	1	32000000						
5.	Иссиқхона	Дона	1700000	1	1700000						
	Жами				166700000						

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ЭСКИРИШИНИ ҲИСОБЛАШ.

Асосий воситаларни эскиришни ҳисобини юритиш бўйича қуйидаги счётлардан фойдаланамиз.

0211- ерни ободонлаштиришнинг эскириши

0212- лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши

0220- бино, иншоот ва узатгич қурилмаларнинг эскириши

0230- машина ва усқуналарнинг эскириши

0240- мебель ва жихозларнинг эскириши

0250- компьютер усқунаси ва ҳисоблаш техникасини эскириши

0260- транспорт воситаларини эскириши

0270- ишчи ҳайвонларнинг эскириши

0280- кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши

0290- бошқа асосий воситаларнинг эскириши

0299- лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар.

Асосий воситалар ишлаш жараёнида ўз қийматини йўқотиб боради. Шунинг учун асосий воситанинг қийматини тиклаш, такрорий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш

мақсадида асосий воситанинг қийматини маҳсулот таннархига ва бошқа ҳаражатлар таркибига олиб борилади. Бу жараён йиллар давомида норма асосида амалга оширилади.

Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш 02 счётининг К-т айланмасига йиғилади. Бу жараён эскириш қиймати асосий воситанинг баланс қийматига тенг бўлгунгача давом этади, яъни асосий воситанинг қийматини тўлиқ тиклаб бўлгандан кейин эскириш ҳисоблаймиз. Асосий воситаларнинг эскириши йиллик нормалар асосида ҳисоб-китоб қилиниб, 12 га бўлиш орқали бир ойлиги аниқланади.

Асосий воситаларнинг эскириши 3 хил методда ҳисобланади:

1. Тўғри метод (солиқ методи)
2. Ишлаб чиқариш методи;
3. Тезлаштирилган методи.

Юқорида келтирилган методни қайси биринчи тадбиқ қилиш корхонанинг ҳисоботни юритиш сиёсатида белгиланади.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш учун махсус комиссия тузилиб, ҳисобдан чиқарилаётган асосий восита бўйича комиссия аъзолари якуний фикрларини тузилган далолатномада ифода этадилар. Ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатномада асосий воситанинг жойлашган ўрни, қайси моддий жавобгар шахс зиммасида туриши, баланс қиймати, қолдиқ баҳоси кўрсатилади. Шу билан бирга тугатилиш натижасидан олинган эҳтиёт қисмлар, фойдаланиш учун олинган материаллар кўрсатилади. Агар тугатилаётган асосий восита тўлиқ амортизация ажратмалари билан қопланмаган бўлса, тугатилишдан кўрилаётган зарар корхонанинг фойдасидан қопланади

Асосий воситаларни эскиришини ҳисоблаш ведомости

№	Асосий воситанинг номи	Ўлчов бирлиги	Ишлатишга берилган вақти	Баланс баҳоси	1\01\11гача ҳисобланган эскириш суммаси	Эскириш нормаси%	1 йиллик эскириш суммаси	1 ойлик эскириш суммаси	1\02\11 га эскириш суммаси
	Маъмурият								
1.	Бино	Дона	1.01.94	4000000					
2.	Офис мебели	Комплекс	13.04.96	100000					
3.	Ксерокс Panasonic	Дона	20.05.96	60000					
4.	Сейф (пўлат)	Дона	10.02.94	18750					
5.	Телетайп	Дона	1.01.95	37000					
6.	Nexia автомашинаси	Дона	10.10.96	1500000					
7.	Tico автомашинаси	Дона	2.05.96	120000					
8.	Pentium компютери	Комплект	5.05.95	300000					
	Жами								
	Ишлаб чиқариш								
1.	Цех биноси	Дона	1.01.94	8000000					
2.	Тикув машинаси	Дона	1.01.94	100000					
3.	Шлиф. станок	Дона	1.01.94	300000					
4.	Бичиш станогги	Дона	1.01.94	300000					
5.	Пресс кондиционер	Дона	1.01.94	350000					
6.	Кром. станок	Дона	1.01.94	30000					
7.	Болгар автокаран	Дона	1.05.94	85000					
8.	Трактор Т-34	Дона	1.08.93	75000					
	Жами								

	Ношлаб чиқариш ва ёрдамчи хўжалик								
1.	Ғунча болалар боғчаси	Дона		1400000					
2.	Коинот оромгоҳи	Дона		60000000					
3.	Профилактория	Дона		59000000					
4.	Ётоқхона	Дона		32000000					
5.	Иссиқхона	Дона		1700000					
	Жами								

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБЛАШУВЛАРИ ВА КРЕДИТ МУОМАЛАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

Банкдаги ҳисоб-китоб ва валюта счётларида пул маблағларини ҳисобга олиш.

Корхона, ташкилот ва фирмалар фаолиятида хўжалик алоқалари муҳим ўрин тутди. Чунки, бу алоқалар туфайли таъминот, ишлаб чиқариш, махсулотларни жўнатиш ва сотиш жараёнлари амалга оширилади.

Бу алоқалар натижасида ҳосил бўлган ҳисоблашишларни аниқ ташкил этиш, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида айланма маблағларнинг тезкорлик билан айланишига ва пул маблағларининг ўз вақтида келиб тушишига асос бўлади.

Корхоналар ишлаб чиқариш топшириқларини бажарувчи ходимлар билан ўзаро ҳисоблашишлардан ташқари ишчи ва хизматчилар билан бўладиган ҳисоблашишлар содир бўлади. Кўп ҳолларда корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳисоблашишлар нақд пулсиз амалга оширилади. Банк хизматидан фойдаланилади, чунки ҳисоблашишлар амалга ошириладиган счётлар тегишли банкда очилади. Банклар юридик шахс ҳисобланиб корхона, ташкилот, фирма, акционер жамият, корпорация ва бошқа юридик шахсларнинг маблағларини қайтариб бериш, тўлаш, муддатли шартлар билан қабул қилиш муомалаларини амалга оширади.

Банк ва ҳаридор (мижоз) муносабатлари шартнома асосида амалга оширилади. Банклар орқали амалга ошириладиган муомалалар ҳисоблашиш ва кредит муомалаларига бўлинади.

Ҳар бир юридик шахс тузилаётган вақтда ўзининг пул маблағларини ва нақд пулсиз муомалаларини юритиш мақсадида давлат ва тижорат банкида ҳисоб-китоб счётини очди. Банкда счёт очиш учун ташкилотлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак.

1. Счёт очиш учун ариза;
2. Статистика органлари томонидан корхоналар, ташкилотларнинг ягона давлат руйхатига киритилганлиги тўғрисидаги нотариусда тасдиқланган гувоҳноманинг кўчирмаси.
3. Юқори орган ёки таъсисчилар мажлисида тасдиқланган устав низомдан натариусдан тасдиқланган кўчирмаси.
4. Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
5. Солиқ органидан руйхатдан ўтиб идентификация номери берилганлиги тўғрисидаги маълумот;
6. Имзо намуналари ва муҳрнинг изи туширилган карточка.

Ҳисоб-китоб счёти актив 5110-счётида юритилиб, пул маблағларининг ҳаракати, ҳолати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириб боради. Ҳисоб-китоб счётининг дебетида

пул маблағларининг келиб тушиши, кредитида эса пулнинг ўтказилиши, сарфланиши акс эттирилади. Бу счётда ёзувлар банкнинг кўчирмасига асосан амалга оширилади.

Пулнинг тушуми ўтказилиши қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

1. Тўлов талабномаси
2. Тўлов тоширикномаси.
3. Накд пул тошириш эълони.
4. Пул чеки.
5. Хисоблашиш чеки.

5110-"Ҳисоб-китоб" счёти бўйича муомалалар текширилган банк кўчирмаси ва унга илова қилинган пул ҳужжатларига асосан акс эттирилади. 5110 - счётининг қолдиғи ҳисоб-китоб счётидан берилган кўчирмада кўрсатилган қолдиққа тенг келиши керак.

Қуйида 2- журнал ордер ва 2-ведомостнинг қисқартирилган ҳолдаги тўлғазилган формасини келтириб ўтамыз.

2-ЖУРНАЛ ОРДЕР.

200__ йилнинг май ойи учун.

5110-"Ҳисоб-китоб"счётининг кредитидан қуйидаги счётларнинг дебетига.

Сана	Дебетланувчи счётлар						Жами
	5010	5510	6010	6410	6520	6910	
01-04	240	—	11000	—	—	—	11240
06	—	—	—	—	—	6000	6000
08-10	12000	—	28000	3000	4200	—	47200
11-31	—	4000	—	2000	—	—	6000
Жами	12240	400	39000	5000	4200	6000	70440

2-ВЕДЕМОСТ

_____ йилнинг май ойи учун.

5110-"Ҳисоб-китоб"счётининг дебетига қуйидаги счётларнинг кредитидан

Ой бош. Қолдиқ – 5000 сўм

Сана	Кредитланувчи счётлар						Жами
	2810	5010	5510	6720	6910		
01-04	48000	—	—	—	—		48000
06	110000	—			—		110000
08-10	250000	2000	400	800	18000		271200
11-31	180000	1000	6000	600	26000		213600

жами	588000	3000	6400	1400	44000		642800
------	--------	------	------	------	-------	--	--------

Ой охирига қолдиқ – 622360.

2-журнал ордер ва 2-ведомостни юритиш бир ойга мулжаллангани учун банкдан олинган ҳар бир кўчирма маълумотлари бир каторга ёзилади. Демак, 2-журнал ордер ва 2-ведомостда банд килинган каторлар сони шу давр ичида банкдан олинган кўчирмалар сонига тенг бўлиши керак.

Бу эса бухгалтерия ходимларига корхона ҳисоб-китоб счётига пул маблағларини тушиш манбаларини таҳлил қилиш, мақсадли фойдаланиши, тасдиқланган молиявий тўланмалар. календар графигига биноан бюджетга ва бошқа органларга маблағ отказилиши устидан назорат қилиш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳудудида ва чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати ва нақдлиги актив 5200-"Валюта счёти"да ҳисобга олинади.

Ҳар бир корхона ва фирма хориж валютасида пул маблағларига эга бўлиши ва муомалаларни амалга ошириши мумкин. Хориж валютасида маомалаларни амалга ошириш учун корхона ва фирмалар тегишли ваколатга эга бўлган банкларда жорий валюта счётларини очишлари лозим. Ушбу банклар эса валютадаги муомалани амалга ошириш учун Ўзбекистон Респубиикасининг Марказий банки томонидан бериладиган рухсатномага эга бўлиши керак. Ушбу лицензияга эга бўлган банкларнинг руйхати Марказий банкнинг даврий бюллетенида чоп қилиб борилади.

5110 – «Ҳисоб-китоб» счётининг дебетли ва кредитли жараёнлари қуйидаги бухгалтерия алоқаларида акс эттирилади.

№	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		Д	К
1	Кассадан ортикча пул ҳисоб -китоб счётига	5110	5010
2	Сотилган махсулот учун ҳаридорлардан бошқа бажарилган иш ва хизматлар учун буюртмачилардан пул келиб тушди	5110	4010
3	Банкдан олинган узоқ ва қисқа муддатли кредит ҳисоб-китоб счётига ўтказилди.	5110	6910, 7510
4	Дебеторлардан қарз келиб тушди	5110	4810, 4890
5	Бошқа корхоналардан жарима, (пеня) устама олинди.	5110	9330
6	Фойдаланилмаган аккредитив, лимитланган чек дафтарчасининг маблағи ҳисоб -китоб счётига қайтарилиб топширилди	5110	5510, 5520
7	Таҳсисчилардан ҳисоб-китоб счётига пул келиб тушди.	5110	4710
8	Мол этказиб берувчилардан қарзга учун пул олинди.	5110	4210
9	Чек асосида ҳисоб -китоб счётидан кассага пул олинди.	5010	5110
10	Мол эрказиб берувчилардан бўлган қарзга узиш учун	6010	5110
11	Қасаба юшмаси ташкилотига, ижтимоий суғурта ташкилотига ижтимоий суғурта ташкилотига ажратмалар ўтказилди	6510, 6530	5110
12	Банклардан олинган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар қайтарилди.	6910, 7510	5110
13	Таҳсисчиларга пул ўтказилди.	6610, 6620	5110
14	Акстиядорлардан акция сотиб олинди.	8610	5110
15	Бюджетга бўлган қарзлар тўланди.	6410	5110

16	Ишлатилмаган аккредетив, лимитланган чек дафратчаси қайтарилди	5510, 5520	5110
17	Банк хизматлари тўланди	9429	5110
18	Йил давомида фойдадан ажратмалар ўтказилди	6410	5110

5110-"Ҳисоб-китоб"счётининг дебет обороти 2-ведомостда, кредит обороти 2-журнал ордерда акс эттирилади.

№	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Ҳаридордан валюта маблағлари келиб тушди.	5210	4010
2	Валюта курси бўйича фарк киримга олинди.	5210	9540
3	Марказий банк курси бўйича хорижий валютани йчётига ўтказилиши	5210	5220
4	Сотилган товарлар учун пул маблағлари валюта счётига келиб тушганда	5210	4010
5	Сафар ҳаражатлари учун валюта берилди.	4420	5210
6	Валюта счётидан мол этказиб берувчиларга пул маблағлари ўтказилди.	6010	5210
7	Валюта қайта баҳоланиб уламинг тўлов курслари арзонлаштирилганда	3110	5220
8	Валюталар учун белгиланган, ҳисобланган кўшимча киймат ёрликлари божхоналарга ўтказилганда.	6410	5210

Корхона кассасидаги пул маблағларининг ҳисобга олиниши.

Нақд пуллар, қиматли қоғозларни ҳисоблаш учун ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотларда касса мавжуддир. Касса муомалаларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк бошқармасининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган "Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари" билан тартибга солинади. Корхона кассасидаги пул маблағларини ҳисобга олиниши бухгалтерия ҳисобининг БХМС-9 сонидан тартибга солинади. Корхонага тегишли пулнинг банк томонидан белгиланган унча катта миқдорда бўлмаган қисми нақд пул сифатида кассада сақланади.

Касса кирим ордери - касса нақд пул кирим қилинаётганда тўлдирилади. Унга бош ҳисобчи имзо чекади ва паттаси қирқиб олинади.

Касса чиқим ордери – кассадаги нақд пулнинг чиқиб кетишида тўлдирилади. Унга бош ҳисобчи ва корхона раҳбари имзо қўяди. Айрим ҳолларда бошқа ҳужжатлар тўлдирилади.

Кассада пул, иш хақи, нафақа, стипендиялар берилганда "Тўлов ведомости"да расмийлаштирилади.

Касса китоби – уни кассир юритади. Китобнинг бетлари рақамланган ва охирида бетлар сони кўрсатилиб муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Касса китобидаги ёзувлар икки нусхада амалга оширилади.

Кассадаги нақд пуллардан ташқари қимматли қоғозлар, пул ҳужжатлари, маркалар, лотерия ҳам сақланади.

Касса ҳужжатларида тузатиш, ўчириб ёзишга руҳсат берилмайди.

Касса жараёнлари кассирнинг касса дафтарида руйхатга олинади. Куннинг охирида касса дафтарида пул қолдиғи ҳисобланиб, варақнинг бир нусхаси дастлабки ҳужжатлар билан бухгалтерияга топширилади. Корхона кассасидаги пул маблағлари, қимматли

қоғозлар, маркалар, талонлар бир ойда бир марта йўқлама килиш йўли билан руйхатга олинади.

Накд пул маблағлари ҳаракати 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари"актив синтетик счётида ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал ордерли шаклида 5010-счётининг кредитли жараёни 1-журнал ордери, дебетли жараёни 1-ведомостда акс эттирилган.

5010-счётининг дебетли ва кредитли жараёнлари қуйидаги бухгалтерия алоқаларида акс эттирилади.

№	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Ҳисоб - китоб ва Валюта счётидан кассага пул келиб тушди, чек ва унинг кирим касса ордерига асосан	5010	5110, 5210
2	Махсулот, иш ва хизматчилар накд пулга сотилди.	5010	9010 9030 9210
3	Ҳисобдор шахслар томонидан олинган ва ишлатилмаган ортикча сумма қайтарилди.	5010	4430
4	Таъсисчилар томонидан корхона устав капиталига ўз бадаллари сифатида накд пул маблағлари келиб тушди.	5010	4710
5	Кассадан меҳнат хаки ва бошқа тўловлар берилди.	6710	5010
6	Умум хўжалик сарфлари учун ҳисобдор шахсларга пул берилди.	4430	5010
7	Инвентаризация натижасида кассадаги пул маблағларининг камомати аниқланди.	4630	5010
8	Кассадаги лимитдан ортикча пуллар банка топширилади	5110	5010

Қуйида касса дафтари, 1-журнал ордер ва 1-ведомостни қисқартирилган ҳолда тўлғазилишини келтириб ўтамиз

N	Кимдан олинди, кимга берилди.	Алоқа қилувчи счёт	Кирим	чиқим
	Кун бошига қолдиқ		1900	
195	Банкдан 021300 чек бўйича олинди	5110	100000	
25	Шакарров Мансурга аванс ҳисоботи бўйича ортикча сарфланган	4420		2500
26	Бурхонов Баходирга аванс ҳисоботи бўйича ортикча сарфланган	4420		3000
27	Абдуллаев Хамдамга сафар ҳаражати учун	4420		5000
	Кун бўйича жами	X	10000	10500
	Кун охирига қолдиқ		1400	
	Шу жумладан иш ҳақида		—	

1-ЖУРНАЛ ОРДЕР.

20__ йилнинг май ойи учун.

5010- "Миллий валютадаги пул маблағлари" счётининг кредити ва қуйидаги счётларнинг дебети

Сана	Дебетланувчи счётлар						жами
	5010	6710	4420	4890			
01-04			10500	—		—	10500
05-08	2000			—		—	2000
09-10		10000		—		—	10000
11-31	1000	—	—	264	—	—	1264
Жами	3000	10000	10500	264	—	—	237764

1-ведомост «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётининг дебети қуйидаги счётларнинг кредити

Ой бош. Қолдиқ – 1900 сўм

Сана	Дебетланувчи счётлар						Жами
	5110	5810	4420	4710			
01-04	10000	—	10500				205001
05-08				2000	--	--	2000
09-10	2000				—		2000
11-31		288	—	—	—		288
Жами	12000	288	10500	2000		—	24788

Ой охирига қолдиқ – 2924 сўм

Хисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисобга олиниши.

Корхона, муасаса, ташкилотлардаги айрим муомалаларни тезкорлик билан амалга ошириш учун ҳисобдор шахслар хизматидан фойдаланилади. Улар корхона ходимлари бўлим маъмурий хўжалик муомалаларини амалга ошириш ва хизмат сафарига бориш учун кассадан нақд пул оладилар. Бу шахсларнинг руйхати раҳбар томонидан тасдиқланади. Ушбу сумманинг миқдори чегараланган бўлиб, бу сумма йил бошида корхона сметасида тасдиқланади. Хизмат сафари учун бериладиган нақд пул миқдори хизмат сафарининг муддати ва сафарга бериладиган жойга боғлиқдир. Хизмат сафарига жўнатилаётган шахс га бориш ва келиш транспорт сарфи кундалик сарф ва яшаш жойи ҳаражатлари йиғиндиси миқдорида нақд пул аванс сифатида бериледи.

Хизмат сафарида бўлган вақтида унга асосий иш жойидан тўланадиган ҳақ сақланиб қолинади.

Хизмат сафари учун ҳисобдор шахсларга бериладиган нақд пул бухгалтерия томонидан ҳисоблаб чиқилгандан кейин зарур сумма сафар гувоҳномасига асосан берилиб кассанинг чиқим ордери ёрдамида тузилади.

4420, 4430-счётлар бўйича алоқасини қуйида келтириб ўтамыз.

N	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Хизмат сафари учун ҳисобдор шахсларга бўнақлар берилди.	4420 4430	5010
2	Ҳисобдор шахсларга кассадан пул ҳужжатлари берилди	4420 4430	5010
3	Ҳисобдор шахслар берилган бўнақнинг фойдаланилмаган суммасини кассага қайтардилар.	5010	4420 4430
4	Ҳисобдор шахслар асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришга оид ҳаражатларни амалга оширдилар.	2010 2310 2510	4430
5	Ҳисобдор шахслар давр ҳаражатларига таалукли турли хил ҳаражатларни тўладилар.	9410 9420 9430	4430 4490
6	Ҳисобдор шахслар моддий бойликларни, айрим товарлари сотиб оладилар.	1010-1090 1110 1210 2910-2990	4420 4490
7	Хизмат сафарини амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга бўлган карзлар ҳисобланли.	9429 2010 2310 2510	6870'
8	Хизмат сафари ҳаражатлари тўланди.	4420	5010

Бу сарфларнинг мақсадга мувофиқлиги юқори мансабдор шахслар томонидан тасдиқланади. Ҳисобдор шахслар муомала содир бўлгандан кейин 3-кун ичида ҳисобот тузушлари лозим. Қолдиқ суммалари кассага топширилади, ортикча сарф килинган бўлса кассадан фарк сумма берилади. Агарда шахслар ўз вақтида ҳисобот бермасалар, бу суммалар уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Ҳисобдор шахсларга нақд пул фақат корхона кассасидан берилади ва ҳисобдорликдаги сумма корхона руйхатидаги ходимларга банк (аванс) сифатида фақат маълум мақсадлар учун берилади.

Булар:

4410-"Меҳнат хақи бўйича берилган бўнақлар",

4420-"Хизмат сафарлари учун бериладиган бўнақлар",

4490-"Ходимларга бериладиган бошқа бўнақлар",

4430-"Умумхўжалик ҳаражатлари учун бериладиган бўнақлар" счётларида юритилади.

Счётларнинг дебитида сарфлаш учун бериладиган пул, кредитида эса сарфланган пулнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

4420,4430-счётларнинг муомала жараёнлари 7-журнал ордерида юритилади. Бу журнал ордерида ёзувлар ҳар бир тасдиқланган бўнақ ҳисоботи ва чиқим касса ордери бўйича олиб борилади.

Ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга олиниши.

Мол етказиб берувчи ва харидорлар билан ҳисоб-китоб нақд пулсиз амалга оширилади. Халқ хўжалигида ҳисоб-китобнинг қуйидаги шакллари қўлланилади:

1. Тўлов топшириқлари (пул ўтказиш билан) ҳисоб-китоблар.
2. Тўлов талабномаси билан ҳисоб-китоблар тартиби.
3. Аккредитивлар буйича ҳисоб-китоблар;
4. Махсус счётлар бўйича ҳисоб-китоблар;
5. Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоблар;
6. Чеклар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар.

Тўлов топшириғи-бухгалтерия ҳисоб-китоб хужжати бўлиб, истеомолчи корхона ўзига хизмат килувчи банк муасасасига ўз ҳисоб-китоб ёки бошқа счётдан топшириқда кўрсатилган суммани мол етказиб берувчи, давлат бюджети, ижтимоий суғурта ташкилотининг счётига ўтказиб кўйиш ҳақидаги кўрсатмадир.

Тўлов топшириқлари билан пул ўтказиб берилганда қуйидаги счётлар алоқаси берилади.

Д-т 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик".

Д-т 6520 - "Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар"

Д-т 6820 - "Бошқа мажбуриятлар".

К-т 5110 - "Ҳисоб-китоб счёти".

Тўлов талабномаси орқали мол юборувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўзининг ҳисоб-китоб счёти бўлган банкка жўнатилган товарлар бажарилган иш ва хизматлар учун олишга тегишли бўлган пулни тўловчилар счётидан ўзларининг счётларига ўтказиб бериш амалга оширилади. Товарларни жўнатиш ва пул маблағларини ҳисоб-китоб счётига ўтказиш билан боғлиқ муомалаларга қуйидагича счётлар алоқаси берилади.

N	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Ҳаридорларга товарлар жўнатилиб даромад олинганда	40110	9010 9020
2	Ҳаридорлардан ҳисоб - китоб счётига пул ўтказилганда	51010	4010
3	Материаллар, арзон ва тез эскирувчи буюмлар мол етказиб берувчилардан олинганда	10 12	6010
4	Мол етказиб берувчига ҳисоб -китоб счётидан пул ўтказилганда.	6010	5110

Аккредитив - бу мол етказиб берувчи корхонага хизмат килувчи банкнинг ҳаридор корхонага хизмат килувчи банк тамонидан қарзни тўлаш ҳақидаги топшириғи.

Ҳисоб-китобни аккредитив шакли асосан шаҳарлараро ҳисоб-китобларда қўлланилади. Аккредитив мол етказиб берувчи корхона жойлашган жойдаги банкда жойлашади. Ҳаридор корхона ўзининг банкка аккредитив очиш ҳақида ариза топширади. Банк ҳаридор корхортанинг маълум микдордаги маблағини депонентлаштиради ва бу ҳақда мол етказиб берувчи банка маълум қилади. Аккредитивни корхона маблағлари ёки банк қарзи ҳисобидан ажратиши мумкин.

Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоб муомалалари амалга оширилганда қуйидагича счётлар алоқаси белгиланади.

№	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Корхона ўз маблағи ҳисобидан аккредетив очилади.	5510	5110
2	Банк кредити ҳисобидан аккредетив очилди.	5510	6910
3	Аккредетив ҳисобидан мол етказиб берувчининг қарзи	6010	5510

4	Аккредитив ёпилди ёки қайтарилди.	5110 6910	510
---	-----------------------------------	-----------	-----

Махсус счётларни корхона ўз вакили орқали узоқ муддат ичида хўжалик фаолиятини кайси маъмурий ҳудудда олиб борадиган бўлса ўша жойнинг банкида очади. Аккредитив ва махсус счётлар бўйича ҳисоб-китоблар 5510-"Аккредитивлар" деган счётда ҳисобга олинади. Бу ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби 3-журнал ордерда юритилади.

Режали тўловлар-корхоналар орасида муттасил товар материал кийматликлар жўнатилиб ёки хизматлар кўрсатилиб турилса амалга оширилади.

7-журнал ордердаги ёзувлар қуйидаги ҳужжатларга асосан ёзилади:

- а) кассанинг чиким ордери - ҳисобот учун берилган суммага;
- б) банк ҳисоботи - олинган бўнак суммасининг сарфланган қисмига;
- в) кассанинг кирим ордери - олинган бўнак суммасининг сарфланмай қолган қисмига;

Текширилган ва раҳбар томонидан тасдиқланган бўнак ҳисоботи бухгалтерия томонидан қабул қилинади. Ушбу ҳисоботни бухгалтер текшириб унга ва исботловчи ҳужжатларга алоқа қилувчи счётларнинг шифрини кўриб чиқади ва ҳаражатларни тегишли тармоқларга ўтказдиради.

Хозирги вақтда корхоналар ташки иктисодий алоқаларни ўрнатиш натижасида чет мамлакатларга хизмат сафарига бориш заруриятлари туғилади. Давлат корхоналарида ушбу сарфлар Молия вазирлиги томонидан белгиланган меъёр бўйича тўланади. Хизмат сафарининг моҳияти ва мақсадига кўра ушбу сарфлар қуйидаги тартибда таннарх ҳаражатига қўшилади:

-маҳсулот.иш ва хизмат таннархига

Д-т2010 - К-т 4420

-олинган ускуналар киймати

Д-т0710 - К-т 4420

-олинган номоддий активлар киймати

Д-т0400 - К-т 4420

4420,4430-счётлар бўйича счётлар алоқасини қуйида келтириб ўтамыз.

-олинган хом аше ва материаллар киймати

Д-т 4010 - К-т 4420

-олинган товарлар киймати

Д-т 2910 - К-т 4420

Тегишли счётда ёзувлар сўмда ва валютада кайд қилиб борилади. Ҳисобдор шахсларда қолган валютанинг қолдиқ суммаси шу вақтда қайтда баҳоланиб фарқи 9710-"Фавкуллоддаги фойдалар", 9720-"Фавкуллоддаги зарарлар" счётларига олиб борилади.

Режали тўловлар орқали олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби мол юборувчининг балансида 40И0-"Ҳаридор ва буюртмачилардан олинандиган счётлар" счётининг "Режали тўловлар ҳисоб-китоби" аналитик счётида юритилади.

Аналитик ҳисоб 7-ведомостда ҳар бир дебетор бўйича юритилса, синтетик ҳисоб 11-журналда юритилади.

Чеклар бўйича ҳисоб-китоб бир шаҳар ичида амалга оширилади. Ҳисоб-китоб чеки орқали счёт эгаси уз счётидан маълум суммани чек олган корхона счётига ўтказиш ҳақида кўрсатма беради. Чек мол етказиб берувчи вакилига берилган кундан бошлаб 10 кун давомида ҳақиқий бўлиб, кўрсатма ўз кучини йўқотади.

5520-"Чек дафтарчалари"счёти бўйича 3-журнал ордер юритилади
Чеклар бўйича муомалаларга қуйидаги счётлар алоқаси берилади:

N	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K

1	Чек дафтариининг берилишида маблағлар депонентлаштирилди.	5520	5110 5210 6310
2	Метериаллар киймати чек билан тўланди.	5010	5520
3	Турли тижорат ҳаражатлари чек билан тўланди.	9410	5520
4	Тижорат ташкилотининг ҳаражатлари учун тўлов суммалар чек асосида тўланди.	6890	5520
5	Ишлатилмаган сумма қайтарилди. -ҳисоб - китоб счиётига - валюта счиётига қисқа муддатли банк кредитларига	5110 5210 6910	5520 5520 5520

Қимматли қоғозларнинг ҳисобга олиниши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 2 сентябрдаги 590-сонли қарорига асосан "Қимматли қоғозлар ва биржа фонди ҳақидаги Низом"ни тасдиқлади. Шу низомга асосан корхона ва ташкилотлар ҳамда шахслар ўртасидаги ҳар хил қимматли қоғозлар фойдаланишни ташкил этиш кўрсатилган. Қимматли қоғозлар давлат томонидан белгиланган шаклга эга. Унинг эгасига мулк ҳуқуқлардан фойдаланишга қаноқат берилади. Қимматли қоғозларга - акциялар, облигациялар, омонат сертификатлари киради.

Акция - бу акционерлик жамиятлари, жамоа мулкига асосланган корхоналар, кооперативлар, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар томонидан чиқарилади. Унинг эгасига шу акцияни корхонанинг фаолиятини бошқаришда қатнашиш ҳамда унинг фойдасидан дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоздир. Дивиденд миқдори корхонанинг фойда массаси инветисия сийёсати ва олинган даромадни қамқариш ҳамда истеомол мақсадларига тақсимлаш нисбатига боғлиқ бўлади. Акциялар қуйидаги турга бўлинади:

1. Мехнат жамоалари акциялари;
 2. Корхона акциялари;
 3. Акционер жамияти акциялари;
- Акциялар шаклига қараб 2 турга бўлинади:

1. Оддий
2. Имтиёзли

Акцияларнинг корхонага сотиб олиниши 5810-"Қимматли қоғозлар" счётида ҳисобга олинади. Акциянинг сотилиши эса актив 9220-"Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чикими" счётида ҳисобга олинади. Ўз акцияларининг сотиб олиниши 86-"Сотиб олинган хусусий акциялар ҳисоби" счётида ҳисобга олинади.

Акциялар бўйича муомалаларга қуйидагича счётлар алоқаси белгиланади.

N	Муаммолар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Акционер жамиятининг акционерларидан унга тегишли акциялар сотиб олинди	8610	5110 5210
2	Акционер томонидан сотиб олинган акцияларининг бекор қилиниши устав сармоясининг қамқайишига ёзилади.	8512	8610
3	Акция фойданинг бир қисмидан дивидендлар олиш ҳуқуқини берганда.	5110	9520
4	Акция сотишдан ҳисоб - китоб счётига пул қелиб тушди.	5110	5830
5	Агар акциянинг сотиш баҳоси сотиб олиш баҳосидан паст бўлиб, корхона зарар кўрса.	9690	8610 8620

Облигация - давлат ва корхоналар томонидан чиқарилиб қарз (заём) берувчиларга қарздорлик мажбурияти гувоҳномаси сифатида бериллади.

Бунда облигация эгаси белгиланган даромад суммасини олиш ҳуқуқига эга. Давлат облигациялари бўйича даромад ютук шаклида тўланади.

Облигацияга доир ютуқлар ва фоизлар соф даромад ҳисобидан тўланади. Облигациялар 06-"Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби" счётларида ва 5810-"Қимматли қоғозлар" счётида ҳисобга олинади.

Облигациялар бўйича муомалаларга қуйидагича счётлар алоқаси белгиланади.

N	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Корхона томонидан облигациялар сотиб олинди.	0610	5110 5210
2	Корхона облигациялар бўйича фоизлар олди.	5110	9530
3	Облигациялар қайта сотилди.	5110	0610 5810

Бюджет, дебетор ва кредитор ҳисоб-китобларининг ҳисобга олиниши.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ турлари бўйича юритилади. Тўловларнинг турлари ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Тўлов турлари қуйидаги ажратилади.

1. Корхона фойдасидан тўланадиган фойда (даромад) солиғи.
2. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган даромад солиғи.
3. Реализацияга олиб бориладиган ККС, акциз солиғи
4. Молиявий натижаларга олиб бориладиган жарима, иктисодий санкциялар ва бошқалар.

Ҳар бир тўлов тури учун тўлов муддати ва солиқ инспекциясига ҳисобот топшириш муддати белгиланган.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар пассив 6410- "Бюджет тўловлари юзасидан қарзлар" счётида ҳисобга олинади.

Синтетик ва аналитик ҳисобли тўлов турлари бўйича 8-журнал ордерда юритилади. Бюджет тўловлари ҳисобига қуйидагича счётлар алоқаси белгиланади.

№°	Муаммолар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган иш ва хизматларни сотишда ҳисобланган ККС ва акцизлар суммалари ҳисобланди.	4010 4020 4110	6410
2	Маҳсулотларни сотиш жараёнида ҳисобланган турли ажратмалар, йиғимлар ва солиқлар бўйича бюджетга ажратмалар ҳисобланди.	9439	6410
3	Меҳнат ҳақи суммасидан даромад солиғи ҳисобланди	6710	6410
4	Дивидендлардан даромад солиғи ушланди.	6610 6710	6410
5	Йил давомида бюджетга тўловлар ўтказилди.	6410	5110
6	Яқуний ҳисоблашиш натижасида бюджетдан ҳисоб - китоб счётига пул келиб тушди.	5110	6410

Корхона ва фирмалар ўз фаолиятида мол етказиб берувчилар ва истеомолчилардан ташқари бошқа муомалаларни ҳар хил юридик ва жисмоний шахслар билан амалга оширади. Бунинг натижасида корхона маблағлари вақтинча қарзга берилади ва вақтинча қарзга олинади. Бу муомалалар асосан қуйидаги ҳолларда содир бўлади.

А) мол етказиб берувчиларга олинадиган хом-ашё ва материаллар учун аванс берилганда ва пудратчиларнинг бажарилаётган ишларга қисман ҳақ тўланганда;

Б) харидорлар ва буюртмачилар билан бўладиган ҳисоблашишлар жараёнида содир бўладиган харидор ва буюртмачиларнинг қарзи ёки бўладиган қарз натижасида;

В) мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга нисбатан асосли қилинган даъволар, улар томонидан тан олинган ёки ҳукм қилинган жарима ва пенялар;

Г) корхона фаолияти жараёнида ўзининг ходимлари билан меҳнат ҳақи ва депозитлар бўйича ҳисоблашишдан ташқари содир бўладиган-кредитга сотилган товарлар, берилган қарзлар, етказилган моддий зарарларни қоплаш бўйича ҳисоблашишларнинг вужудга келиши натижасида.

Корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижасида жарима ва ҳисоб-китоб счётига хато келиб тушган пул ёки ҳисобдан чиқарилганлиги натижасида бир омоннинг иккинчи бир омонга даъвоси бўйича ҳисоб-китоблар келиб чиқиши мумкин. 6960 - «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар» счёти ҳисоб-китобнинг ушбу турини ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Ҳар хил дебетор ва кредиторларга нотижорат характеридаги операцияларни олиб боровчи ташкилотлар (олий ўқув юртлири, илмий муассасалар); кўрсатилагн хизматлар учун ҳисоб-китоблар олиб борадиган транспорт ташкилотлари; ташкилотлар ва шахслар депонентлари, ижро ҳужжатлари асосида ушлаб қолишлар ва ҳоказолар киради.

Ундириб олиниши гумон бўлган дебеторлик қарзлари корхона раҳбариятининг қарорига муофиқ даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобидан ёки бундай резерв ташкил этилмаган бўлса, ушбу қарзларнинг корхона зарарини кўпайтириш ҳисобига ҳисобдан чиқарилади.

Даъволар ва моддий зарарларни қоплаш юзасидан ҳисоб-китобларнинг ҳисобга олиниши.

Мол етказиб берувчиларша, пудратчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга билдирилладиган эотирозлар, уларга такдим этилган ва тан олинган жарима, устамалар ва бекарорликлар бўйича ҳисоблашишлар актив 42- "Даъволар бўйича олинадиган счётлар ҳисоби счёти"да ҳисобга олинади.

Даъволар бўйича муомалаларга қуйидагича счётлар алоқаси белгиланади.

N	Муомалалар мазмуни	Счётлар алоқаси	
		D	K
1	Шартнома шартларини бузганлиги учун мол етказиб берувчиларга даъволар билдирилди.	4210	6210
2	Бошқа корхоналарга шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун жарима ва бекарорлик суммалари такдик этилди.	4210	9330
	Мол етказиб берувчиларга аниқланган хато суммалари бўйича даъво билдирилди.		
3	Даъво суммалари бўйича тўловлар келиб тушди.	4210	4010
4	Кониқтирилмаган даъво суммаси бошқа молиявий харажатларга ўтказилди.	5110	4210
5	Муомалалар мазмуни		

Корхона томонидан товар моддий бойликларнинг камомоди ва талон-тарож килиниши, яроксиз махсулот натижасида юзага келган моддий зарарни коплаш бўйича ва бошқа зарарнинг турларини коплаш бўйича ҳисоблашишлар, актив 4630-"Моддий зарарни коплаш бўйича ходимларнинг карзи" счётида ҳисобга олинади. Счётнинг дебитида айбдор шахслардан олинadиган суммалар, кредитида тўланган тўловлар ва ушлаб қолинган суммалар акс эттирилади.

Моддий зарарларни коплаш бўйича ҳисоб-китоб муомалаларига қуйидагича счётлар алоқаси белгиланади.

№	Муомалалар мазмуни	Счётлар режаси	
		D	K
1	Айбдор шахслардан камомад ва моддий зарарлар учун олинishi керак бўлган сумма ҳисобланди.		
	А) материаллар, кимматбаҳо қоғозлар учун	4630	0610 1010 5810
	Б) асосий ваоситалар ва бошқа активлар учун	4630	01,04
	В) яроксиз махсулотда кўрилган йўқотишлар	4630	2610
	Г) Инвентаризасия натижасида кассадан пул маблағларининг камомоди аникланди.	4630	5010 5020
2	Айбдор шахсларнинг иш хаки камомад суммаси ушланди.	6710	4630
3	Айбдор шахслар камомадни кассага топширди.	5010	4630

Давлат банкининг узоқ ва қисқа муддатли кредитларини ҳисобга олинishi.

Кредитлаштириш деганида кредит ресурслари ҳисобидан тадбирларни амалга ошириш даражаси тушунилади. Унинг кенг тарқалган тури банкли кредитлаштиришдир. Бунинг мазмуни шундаки, барча тадбирлар банк муассасалари томонидан амалга оширилади. Масалан, тижорат банки корхонага асбоб ускуналар сотиб олиш мақсадида кредит беради. Бу жараён банк томонидан кредитлаштириш деб аталади.

Ривожланган хорижий давлатларда хусусан Германия, Буюк Британия, Белгия каби давлатларда кредитлаштириш тушунчаси камдан кам ҳолларда қўлланилади. Банк маблағлари томонидан амалга ошириладиган маблағлар ҳам молиялаштириш деб аталади.

Бизнинг Республикамизда мавжуд назарий қоидаларга кўра молиялаштириш деганда қайтариб олинмаслик шарти билан маблағлар бериш тушунилади. Масалан, давлат бюджетидан берилadиган субсидияларини молиялаштириш деб аташ мумкин.

Кредитлаштириш деганда эса, банклар томонидан берилadиган кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган тадбирлар тушунилади. Хулоса қилиб айтганда, молиялаштириш тушунчаси Ғарбий Европа давлатларида кенг маънода қўлланилади. Яъни ҳар қандай маблағлар ҳисобидан тадбирларни амалга ошириш молиялаштириш деб юритилади.

Бизда эса кредитлаштириш ва молиялаштириш тушунчаларининг ўртасида катъий чегара мавжуд.

Кредитлашнинг ҳозирги кунда бир неча хил шакллари мавжуд булиб буларга:

- Лизингли кредит
- Контокоррент кредит
- Ҳисобли кредит

- Ломбардли кредит
- Аввал кредит
- Акцептли кредит
- Рамбурсли кредитларни киритиш мумкин.

Кредит олиш учун корхона ўзига хизмат кўрсатаётган банк муассасасига қуйидаги хужжатлар такдим этади:

1. Ариза-илтимоснома.
2. Кредитга бўлган эҳтиёжни ифодаловчи техник-иқтисодий асос.
3. Кредит ёки бошқа хужжатларнинг нусхаси.
4. Йиллик ва охириги ҳисобот кунига баланс.
5. Кредит шартноманинг лойихаси.
6. Гаров шартномаси (кафолат шартномаси, суғурта шартномаси)
7. Дебетор-кредитор қарздорлар руйхати.
8. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
9. Айланиш маблағларнинг айланиши ҳисоботи.
10. Бошқа кредиторлардан қарзлари, бошқа банкдаги пул маблағлари, бошқа корхона капиталидаги иштироқи тўғрисида маълумотнома ва бошқалар.

Мазкур хужжатлар қабул қилингандан сўнг банкнинг кредит ходими 3 кун муддатда кредит қобилияти кўрсатқачларини, корхона тўлов қобилиятини, кредит мақсадлари корхона Низомидаги фаолиятга мос келишини, кредит турини аниқлайди. Кредит пакетини шакллантиришда корхона раҳбарининг шахсий фазилатлари ўрганиб чиқилиши ва баҳоланиши лозим.

Кредит олиш учун ариза ва илова қилинаётган хужжатларни ўрганиб чиқиш асосида банк ходими кредит шартномаси тузиши мумкинлиги ҳақида хулосани расмийлаштиради. Хулосада, кредит бериш мумкин ёки мумкин эмаслиги, хужжатларни кредитлаш қоидаларига мос ёки мос эмаслиги, қайси сабабларга кўра кредит бериш мумкинлиги ёки рад этилаётганлиги кўрсатилади. Бундан ташқари, кредит қайси ресурс ҳисобига, қанча суммада, қайси муддат ва фоизда бўлиши ҳам хулосада баён этилиши лозим. Ушбу хулосани кредит комитети 3 кун ичида кўриб чиқиши ва ўз қарорини чиқариши лозим. Қарор асосида кредит комитети раиси хулосани тасдиқлайди. Шундан сўнг кредит шартномаси расмийлаштирилади ёки қарз олувчига сабаблари кўрсатилган ҳолда рад жавоби берилади.

Корхона банкдан олган турли ўрта муддатли ва узоқ муддатли (1 йилдан ошиқ) кредиторларнинг ҳисоби пассив 7510- "Узоқ муддатли банк кредитлари" счётида акс эттирилади. Кредитлаш, кредитларни расмийлаштириш ва уларни тўлаш тегишли қонун ва кредит шартномаси асосида тартибга солинади. Счётнинг кредитида кредитларнинг олиниши, дебетида кредит суммаларининг тўланиши акс эттирилади.

Банкдан олинган турли қисқа муддатли (1 йилгача) кредитлар пассив 6910- "Банкнинг қисқа муддатли кредитлари" счётида ҳисобга олинади.

Банкнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлари бўйича муомалаларга кўйидагича счётлар алоқаси белгиланади.

№	Муомалалар мазмуни	Счётлар режаси	
		D	K
1	Узоқ муддатли банк кредитлари олинди.	5110 5210	7510
2	Банкнинг узоқ муддатли кредити ҳисобидан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг карзи тўланди.	6010	7510
3	Банкнинг узоқ муддатли кредитлари бўйича карзлари тўланди.	4210	4010
4	Банкдан қисқа муддатли кредитлар олинди.	5110 5210	6910
5	Кредит ҳисобюига материал ва товарлар қабул килинди.	1010	6910
6	Қисқа муддатли банк кредитни ҳисобига мол етказиб берувчи ва пудратчиларнинг карзлари тўланди.	6010	6910
7	Банкнинг қисқа муддатли кредити қайтарилди.	6910	5110 5210

Узоқ ва қисқа муддатли банк кредитларининг аналитик ҳисоби кредит турдлари бўйича ҳисобга. 7800- "Узоқ муддатли банк кредитлари" ва 6800- "Қисқа муддатли банк кредитлари" счётларининг кредит жараёнлари 4-журнал юритилади.

МЕХНАТ ВА ИШ ҲАКИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

Хўжалик юртишнинг ҳозирги шароитида ишлаб чиқариш корхоналарининг бош вазифаси турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни оёшмай ўстириб бориш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий даромадни ўстиришдан иборат.

Меҳнат ва иш ҳақини тўғри ҳисобга олиш меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобининг асосий вазифалари:

- иш вақтининг тўғри сарфланиши устидан назорат ўрнатиш;
- тегишла ҳужжатларда ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш;
- иш ҳақи тўлашнинг илбор усулларини амалда қўллаш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг сарфланишини назорат остига олиш.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг икки хил формаси мавжуд:

Ишбай

Вақтбай.

Амалда ишбай иш ҳақининг оддий, мукофот ва аккорд тизимлари қўлланилади.

Иш ҳақининг вақтбай шаклида меҳнатга ҳақ ходимнинг ишлага вақти ва малакасига қараб тўланади. Амалда вақтбай иш ҳақининг оддий ва мукофот шакллари қўлланилади.

Иш ҳақи ўз таркибига кўра иккига бўлинади:

Асосий иш ҳақи

Қўшимча иш ҳақи

Асосий иш ҳақи дейилганда ишчи ва хизматчиларнинг ишлаган вақти учун тўланадиган ҳақ тушинилади.

Қўшимча иш ҳақи дейилганда эса ишчи ва хизматчиларнинг ишламаган вақти учун амалдаги қонунларга кўра тўланадиган ҳаққа айтилади. Масалан, меҳнат таътили учун, ёши 18 га етмаган ўсмир болаларнинг ишламаган соати учун, жамоа ишлари билан банд бўлингани учун ва ҳ.т.

Асосий иш ҳақи ва қўшимча иш ҳақининг йиьиндиси меҳнат ҳақи фондини ташкил этади.

Тариф тизими – тариф малака маълумотномаси, тариф сеткаси ва тариф ставкаси каби тушунчаларни ўз ичига олади. Ушбу ҳужжат ишчиларни малакасини аниқлаш ва уларга маълум разряд белгилашда асос бўлади.

Тариф сеткаси – бу разрядлар ва уларга тегишли бўлган тариф коэффициентларини кўрсатадиган ҳужжатдир.

Тариф ставкаси – ишчининг разрядига мувофиқ унга маълум вақт бирлиги учун тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлайди.

Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш 6700 – «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» номли синтетик, пассив счёта амалга оширилади. Ходимларга бўлган қарзлар унинг кредитида акс эттирилса, амалга оширилган тўловлар шу счётининг дебитида қайд қилиб борилади.

Бу счёта меҳнат ҳақининг барча турлари, мукофотлар, нафақалар ва бошқа тўловлар, шунингдек, мазкур корхоналарнинг акциялари ва қимматли қоғозлари бўйича даромадларни тўлаш, корхона рўйхати таркибида булган ва бўлмаган ходимлар билан олиб бориладиган ҳисоблашишлар тўғрисида маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган 6700 - счётининг кредити бўйича қуйидаги суммаларда акс эттирилади:

А) ходимларга тегишли меҳнат ҳақи ишлаб чиқариш муомаласи ҳаражатлари ва бошқа манбаларни ҳисобга оладиган счётлар билан боғланган ҳолда;

Б) ходимлар учун бериладиган резервлар ҳисобланган меҳнат ҳақи 8910-«Келгуси давр кафолатлари ва тўловлари резерви» счёти билан боғланган ҳолда;

В) давлат ижтимоий суғуртага, нафақага қилинган ажратмалар ҳисобидан ҳисобланган нафақалар ва шу каби суммалар – 6510 – «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счёти билан боғланган ҳолда;

С) корхоналар фаолиятида қатнашишдан ҳисобланган даромадлар, ҳисобот счёти даромади ёки олдинги йилларнинг тақсимланмаган даромади ҳисобидан; тегишли счётар билан боғланган ҳолда.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счётининг дебитида эса:

а) ходимларга тўланган меҳнат ҳақи, мукофотлар, нафақалар ва шу кабилар;

б) корхона фаолиятида қатнашишдан олинган даромадлар суммаси;

в) ҳар хил қонунда кўрсатилган ушламалар, даромад солиғи, тиббий варақалар бўйича тўланмалар суммаси;

с) ходимнинг аризасига мувофиқ халқ банкига ўтказилган, қурилиш банкига ўтказилган суммалар;

д) баъзи сабабларга кўра ўз вақтида тўланмаган сумманинг депонентга ўтказилиши 7310-«турли дебетор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти билан боғланган ҳолда.

6700 – «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счётининг аналитик ҳисоби ҳар бир ходим бўйича айрим очилган шахсий счётада юритилади ва категориялар ҳамда ишлаган жойлари бўйича гуруҳлаштирилиб борилади.

Ходимларнинг қарилиги, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа билан таъминлаш мақсадида ҳар бир корхона, бирлашма ҳар ойда «Нафақа фонди»га белгиланган миқдорда ажратма ҳисобланади. Ажратма ходимлар меҳнатига ҳисобланган иш ҳақига нисбатан маълум фоизда белгиланади

Корхона, ташкилотлар марказлашган тартибда белгиланган суғурта тўловлари бўйича давлат бандлик фондига ажратма қиладилар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қуйидаги дастлабки ҳужжатлар тўлдирилади:

1. Т-1 шакли – «Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ». Унда ходимнинг касби, мансаб ва иш ҳақи кўрсатилиб кадрлар бўлимида бир нусхада тўлғазилади ва меҳнат дафтарчасига қайд қилинади.

2. Т-2 шакли – «Ходимнинг шахсий варағи». Кадрлар бўлими томонидан ҳар бир ходимга айрим тўлдирилади ва ходим томонидан имзо билан тасдиқланиб кейинги ўзгаришлар киритилиб борилади.
3. Т-3 шакли – «Бошқа ишга ўтказилганлиги тўғрисидаги буйруқ». Ходимларга корхона ичида бошқа ишга ўтказилганда икки нусхада тўлғазилиб, 1-нусхаси кадрлар бўлимида, 2-нусхаси бухгалтерияда сақланади.
4. Т-6 шакли – «Таътил бериш тўғрисида ёзув» ҳар йилда ва бошқа сабаблар билан таътилга чиқаришда қўлланилади ва бухгалтерияга таътил ҳақини ҳисоблашга асос бўлади. Агарда ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқарилса бухгалтерия томонидан ходимга ҳақ ҳисобланмайди.
5. Т-8 шакли – «Меҳнат шартномаси тугатилганлиги тўғрисида буйруқ». Бу буйруқдан ходимлар ишдан бўшатирилганда 1 нусхада ёзилиб, унга асосан кадрлар бўлими меҳнат дафтарчасига кўчиради ва бухгалтерия ҳисоб китоб қилади.
6. Т-12 шакли – «Иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва иш ҳақи ҳисоблаш табели». Бу ходимларнинг ишга келишини белгилайди ва шунга асосан иш ҳақи ҳисобланади.
7. Т-13 – «Иш вақтини ҳисоблаш табели». Унда фақат ходимларнинг ишга келиши белгиланиб борилади.

Табелларда ишга келган кунлар, соатлар, келмаганлик сабаблари: касал, таътил, дам олиш, байрам ва бошқа белгилар қўйилиб маҳсул шахс томонидан имзо чекилади ва бухгалтерияга ҳар ойда берилиб унга асосан меҳнат ҳақи – Т-19 «Ҳисоблаш-тўлов ведомости»да ҳисобланади.


6700 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» синтетик счётларда қуйидагича акс эттириш мумкин:

	Муомалалар мазмуни	Счётлар мазмуни	
		Дт	Кт
1	Ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди :		
	а) асосий ва ёрдамчи цех ишчиларига;	2010 2310	6710
	б) умумлашиб чиқариш умумхўжалик мақсадидаги ходимларга ва хизмат кўрсатувчи хўжалик ходимларига ;	2510 9421 9450	6710
	в) яроксиз маҳсулотни тузатиш билан боғлиқ бўлган ишчиларга;	2610	6710
	г) ходимларга дивидентлар ҳисобланди;	8710	6710
	д) ходимларга мукофотлар ҳисобланди;	9439	6710
2	Ходимларнинг меҳнат иш ҳақидан ушлаб қолинди;		
	а) даромад солиғи ушланди;	6710	6410
	б) ижтимоий сугўртага ажратмалар ушланди;	6710	6520
	в) ҳисобдор шахслардан қайтарилмаган бўнак суммаси ушланди;	6710	4420
	г) айбдор шахслардан камомад суммаси ушланди;	6710	4630

Д 5010 К

Д 6710 К

Д 6520 К



Республикамизда миллий даромаднинг муҳим қисми иш хақи шаклида тақсимланади. Миллий даромаднинг тўғри тақсимланиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўғри ҳада мақсадга мувофиқ фойдаланишга боғлиқ. Бу фондни сафлашга тежаш маҳсулот таннарҳининг пасайишига, ортиқча сарфлаш эса унинг ортиб келишига олиб келади. Фонд маблағининг тўғри сарфланиши устидан назорат аввало корхона ходимлари томонидан амалга оширилади. Бухгалтерия ҳамда режа бўлими ходимлари билан биргаликда корхона тариф ставкалари, окладлар, ишбай нархлар, ишлаб чиқариш меъёрлари ва бошқаларнинг тўғри қўлланилишини таъминлашлари лозим.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тўғри сарфланиши устидан назорат Марказий банк зиммасига ҳам юкланади. Банк корхонага чораклик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сотиш режасининг бажарилишига қараб иш хақи тўлаш учун маблағ беради.

Навбатдаги йил учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг умумий суммаси ўтган йилги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдори ва фондни кўпайтириш ёки камайтириш суммаси асосида ташкил қилинади. Хисобот йилига фондни кўпайтириш ёки камайтириш суммаси маҳсулот ҳажмининг ҳар бир ошириб бажарилган фоизи учун ҳисобланган норматив асосида аниқланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг сарфланиши устидан назорат бундай шароитда банк муассаслари томонидан ҳар чоракда амалга оширилади. Банк корхонага иш хақи учун маблағни чорак учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фонди ва ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки камайиши бўйича белгиланган норматив асосий қайта ҳисобланган суммада беради. Айрим ҳолларда юз берадиган фонддан ортиқча сақланишларга юқори ташкилот рухсат беради, агар фоиз маблағини сарфлашда иқтисод қилинса, у корхона ихтиёрида қолади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тўғри сарфланиши устидан назорат Марказий банк зиммасига ҳам юкланади. Банк корхонага чораклик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сотиш режасининг бажарилишига қараб иш хақи тўлаш учун маблағ беради.

Банк муассасалари томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш учун маблағ бериш фақат ишлаб топилган маблағ чегарасида амалга оширилади. Бу чегар чоракда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатларининг режалаштирилган суммаси ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳақиқатда бажарилиши асосида аниқланади.

Агар ишлаб топилган маблағдан ҳақиқатда ҳисобланган иш хақи суммаси ошиб кетса, у ҳолда қўшимча маблағ, корхонанинг бўш қолган қолдиқ резерв фонди маблағи ҳисобидан ёки истемол фондининг фойдаланилмаган маблағи ҳисобидан берилиши мумкин. Ижара тўлови, асосий воситаларни сотишдан олинган тушум, амортизация ажратмалари, мақсадли кредит маблағлари бу мақсад учун йўналтирилмаслиги керак.

ИЛОВАЛАР

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Баланс	1 Актив 2 Мажбуриятлар 3 Хусусий капитал
--------	--

$$\text{Актив} = \text{Мажбурият} + \text{Хусусий капитал}$$

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоб	4 Даромад 5 Ҳаражатлар 6 Фойда 7 Зарарлар
---	--

$$\text{Даромад} - \text{Ҳаражатлар} = \text{Фойда ёки зарар}$$

Доимий счётлар

Дт	Активлар	Кт	=	Дт	Мажбуриятлар	Кт	+	Дт	Хусусий капитал	Кт
+		-		-		+		-		+

Вақтинчалик счётлар

Дт	Даромад	Кт	-	Дт	Ҳаражатлар	Кт	=	Дт	Фойда	Кт	ёки	Дт	Зарарлар	Кт
-		+		+		-		-		+		+		-

Зарарлар

**2004 йил 1 январдан амал қилинган № 21 – сонли БХМС асосида юритилувчи
бухгалтерия ҳисоби сўтларининг ўзаро боғланиши (проводкаси)**

№	Жараёнлар мазмуни	01 01 2003 йилдан амал қилинди	
		Дт	Дт
1.	Курилиши тугалланган объектлар асосий воситалар таркибига қабул қилинди	0110 0190	0810
2.	Асосий воситалар ҳақиқий таннархи бўйича сотиб олинди	0110	0820
3.	Таъсисчилардан асосий воситалар қабул қилинди	0110	4610
4.	Асосий воситалар корхонага фойдаланиш учун берилди (ишлаб чиқаришга тўловсиз)	0110 0190	8530
5.	Асосий воситалар қиймати оширилди	0110 0190	8420
6.	Шўъба корхоналари ва бошқа субъектларга улуш бадали сифатида берилган асосий воситалар ҳисобидан чиқарилди	9210	0110 0190
7.	Асосий восита ликвидация қилинди	9210	0110 0190
8.	Асосий восита йўқотиш ва камомадлар туфайли ҳисобдан чиқарилди	9210	0110 0190
9.	Мустақил балансга ажратилган бўлинмадан асосий восита қабул қилинди	0110 0190	6110
10.	Мустақил балансга ажратилган бўлинмадан асосий восита берилди	4110	0110 0190
11.	Асосий воситалар қайта баҳоланиши туфайли кўрилган камайишларларга	8510	0110 0190
12.	Банкрот ва тугатилаётган субъектлар томонидан асосий воситаларни сотилиши	9210	0110 0190
13.	Асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди	2010	0211 0299
14.	Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди	2310 2320	0211 0299
15.	Нокапитал ишларни бажаришда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда	2710 2790	0211 0299
16.	Умумишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди	2510	0211 0299
17.	Савдо ташкилотларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди	9419	0211 0299
18.	Маъмурий бошқарув соҳасида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланса	9423	0211 0299
19.	Иш хайвонлари бўйича эскириш (амортизация) ҳисобланади	2010 2310	0270
20.	Кўп йиллик экинларга эскириш ҳисобланди	2010	0280
21.	Эскириш суммаларини индексация қилиш: кўшимча ҳисоблаш	8510	0211 0299
22.	Эскириш суммаларини индексация қилиш: камайтириш	0211 0299	8510
23.	Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича асосий воситалар олинди	0310	6810 7630
24.	Лизинг бўйича келтирилган асосий воситалар қиймати устав капиталига қўшилди	0310	8520

25.	Лизинг шарномаси бўйича олинган асосий воситалар таркибига киритилди	0110 0190	0310
26.	Лизинг шартномасини тугашига қадар лизинг берувчига объект бўйича ҳисобланган эскириш суммасида қайтариш	0299	0310
27.	Номоддий активлар бошланғич нархларда қабул қилинди	0410 0490	0830
28.	Устав капиталига бадал сифатида ёки акцияга обуна бўлишга ҳақ тўлаш ҳисобидан олинган номоддий активлар балансга қабул қилинди	0410 0490	4710
29.	Номоддий активлар тўловларсиз қабул қилинди	0410 0490	8530
30.	Номоддий активлар сотилса ёки ҳисобдан чиқарилса, бепул берилса қуйидагича ёзув ёзилади	9220	0410 0490
31.	Номоддий активлар амортизациясини ҳисобдан чиқарилиши	0510 0590	9220
32.	Асосий ишлаб чиқаришда қўлланилаётган номоддий актив объектлари бўйича амортизация ҳисобланди	2010	0510 0590
33.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган номоддий активларга эскириш ҳисобланади	2310	0510 0590
34.	Умумишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилаётган номоддий активларга амортизация ҳисобланди	2510	0510 0590
35.	Савдо шахобчаларида фойдаланилаётган номоддий активларга амортизация ҳисобланди	9419	0510 0590
36.	Маъмурий мақсадларда фойдаланилаётган номоддий активларга амортизация ҳисобланди	9426	0510 0590
37.	Капитал қўйилмаларда фойдаланилаётган номоддий активларга амортизация ҳисобланди	0810 0890	0510 0590
38.	Номоддий активлар бўйича жорий йилда ортиқча ҳисобланган амортизация суммасига тузатиш киритилди	0510 0590	9390
39.	Сотувчи корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан қимматли қоғозлар бепул олинди	0610	9210
40.	Узоқ муддатли инвестиция сиёсатида қимматли қоғозларни бепул олинди	0610	8523
41.	Бошқа корхоналардан қимматли қоғозлар харид қилинди	0610	5110
42.	Таъсисчилардан корхона устав капиталига қўйилма сифатида қимматли қоғозлар қабул қилинди	0610	4610
43.	Узоқ муддатли инвестиция сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозлар сотилди	5110	9220
44.	Қимматли қоғозлар камомаднинг акс этирилиши	4630	0610
45.	Ўрнатишни талаб қилувчи асбоб-ускуналар кирим қилинди	0710	6010
46.	Номоддий активлар амортизацияси монтаж талаб қилувчи, киримга олинган асбоб-ускуналар қийматига киритилди	0710	0510
47.	Хусусийлаштирилган корхона мулки таркибида харид қилинган асбоб-ускуналарни акс этириш	0710	8520
48.	Ўрнатишни талаб қилувчи асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва сақлаш билан боғлиқ ишларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	0710	6710
49.	Ўрнатишни талаб қилувчи асбоб-ускуналарни харид қилиш ва сақлашга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ижтимоий суғурта ажратмаси ҳисобланди	0710	6510
50.	Турли шахслардан ўрнатишни талаб қилувчи асбоб-	0710	6990

	ускуналарни харид қилиниши		
51.	Ўрнатишга берилган асбоб – ускуналарни ҳисобдан чиқарилиши	0810	0710
52.	Нокапитал ишлар ишлаб чиқариш учун монтаж талаб қилинадиган ускуналар жўнатилди	2710	0710
53.	Аввал ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар сотилди	9210	0710
54.	Табиий офатдан сўнг ўтказилган инвентаризация вақтида аниқланган асбоб-ускуналар камомадининг акс эттирилиши	9210	0710
55.	Капитал ҳаражатларига объектни қуришда фойдаланилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси киритилди	0810	0211 0290
56.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ўрнатишга берилди	0810	0710
57.	Сарфланган қурилиш ва бошқа материаллар қиймати капитал қўйилмалар бўйича ҳаражатларга киритилди	0810	1010 1090
58.	Ёш ҳайвонлар подага қўшилди	0810	1110
59.	Тугалланмаган қурилиш баҳоси иширилди	0810	8510
60.	Капитал қўйилмаларга кўрсатилган ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари ҳисобидан чиқарилди	0810	2310
61.	Капитал қўйилмада фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизларнинг тўланиши	0810	6820
62.	Капитал қўйилмалари билан боғлиқ қондирилмаган даъволарнинг суммасининг ҳисобдан чиқарилиши	0810	4210
63.	Капитал қўйилмалари билан боғлиқ мулкни суғурта қилиш бўйича қарзнинг акс эттирилиши	0810	6510
64.	Автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун солиқ суммаси	0810 0890	6530
65.	Капитал қўйилмаларни ўзгартиришда банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	0810 0890	6710
66.	Ҳисобдор шахсларнинг капитал қўйилмалари бўйича амалга оширган сарфларга оид қарзнинг ҳисобдан чиқарилиши	0810 0890	4220
67.	Келгуси даврларнинг тўланган ижара тўловларнинг қайд қилиниши	0940	5110
68.	Муддати кечиктирилган сарфларнинг ҳар ойда узоқ муддатли қисмидан жорий қисмига ўтказилиши	3110 3190	0940
69.	Тайёр маҳсулотларнинг ички эҳтиёжлар учун омборга материал сифатида қабул қилиниши	1010	2810
70.	Мол етказиб берувчилардан материалларни қабул қилиниши	1010	9210
71.	Асосий воситаларнинг тугатилишидан олинган материалларнинг кирим қилиниши	1090	9210
72.	Таъсисчилардан таъсис бадали сифатида материаллар қабул қилинди	1010	4610
73.	Бошқа шахслардан материалларни бепул олинди	1060	8530
74.	Материалларни камамоди бўйича мол етказиб берувчиларга даъволарнинг тақдим қилиниши	4210	1010
75.	Транспорт тайёрлов ҳаражатларининг материаллар таннархига киритилиши	1010	1510
76.	Яроқсиз маҳсулотдан материалларнинг кирим қилиниши	1090	2610
77.	Ўзида ишлаб чиқарилган материалларнинг кирим қилиниши	1010	2310

78.	Материаллар алмашиш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	1010
79.	Асосий ишлаб чиқаришда сарфланган материалларнинг ҳисобдан чиқарилиши	2010	1010
80.	Яроқсиз маҳсулотни тузатишга материалларнинг сарфланиши	9220	1010
81.	Бошқа шахсларга материалларнинг бепул берилиши	9220	1010
82.	Табиий офат натижасида йўқотилган материалларни ҳисобдан чиқарилиши	6720	1010
83.	Инвентаризация натижасида материаллар камомади аниқланди	5910	1030
84.	Материаллар баҳосининг арзонлаштирилиши	9435	1010
85.	Материаллар баҳосини оширилиши	1010	9370
86.	Бошқа корхона ва шахслардан ҳайвонларнинг кирим қилиниши	1110 1120	6990
87.	Ҳайвонларнинг қўшилган ва ўсган вазнининг кирим қилиниши	1110 1120	2010
88.	Мол етказиб берувчилардан чорва ҳайвонлари сотиб олинди	1110	8520
89.	Корхонанинг мулки таркибида сотиб олинган ёш ҳайвонларни ҳисобда акс эттирилиши	1110	8520
90.	Корхонага подани ҳайдаб келувчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	1110	6710
91.	Ҳайвонларни етказиб келиш бўйича ҳисобдор шахслар сарфлаган харажатларининг акс эттирилиши	1110 1120	4220
92.	Устав фондига бадал сифатида таъсисчилардан олинган ёш ҳайвонлар кирим қилинди	1110 1120	4610
93.	Йирик шохли қорамоллардан олинган бузоқларни кирим қилиниши	1110	2010
94.	Ишчи отлардан олинган қулунларнинг кирим қилиниши	1110	2310
95.	Ёш молларнинг асосий подага ўтказилишини акс эттириш	0840	1110
96.	Бартер усулида ёш ҳайвонларни ҳисобдан чиқариш	9220	1110
97.	Шўъба корхоналарга ёш ҳайвонлар етказиб берилди	9220	1110
98.	Ҳисоб нархлари ва ҳақиқий таннарх орасидаги фарқ суммасини ҳисобдан чиқарилиши	1510	1610
99.	Қопланмаган даъволар суммаларининг материаллар таннархига киритилиш	1510	4210
100.	Товар моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келишга доир харажатларни ҳисобдор шахслар томонидан тўланган суммаларни акс эттирилиши	1510	6870
101.	Омборга келиб тушган моддий бойликларни кирим қилиниши	1010 1090	1510
102.	Бўрдоқига боқишга ва ўстиришга қўйиш учун олиб келинган ҳайвонларнинг кирим қилиниши	1110 1120	1510
103.	Материалларнинг қийматларидаги фарқларни тегишли сўтлардан чиқарилиши	2010 2310 2510	1610
104.	Материаллар қийматидаги фарқлар улушининг хизмат кўрсатувчи хўжаликлар сўтига ўтказилиши	9450	1610
105.	Фарқларнинг тегишли қисмини нокапитал ишлар қийматида киритилиши	2710	1610

106.	Бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди	2010	0210 0290
107.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга тегишли НМА (номатериал активлар) нинг эскириши	2010	0510 0590
108.	Асосий ишлаб ишлаб чиқаришда сарфланган материал ҳаражатларнинг ҳисобдан чиқарилиши	2010	1010 1090
109.	Чорвачилик маҳсулотини олиш учун хайвонларнинг сўйилишини акс эттириш	2010	1110 1120
110.	Ёрдамчи цехлар ҳаражатларининг асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматларнинг таннархига киритилиши	2010	2310
111.	Илгари келгуси давр ҳаражатлари сифатида акс эттирилган ҳаражатларнинг тегишли ҳиссасининг маҳсулот таннархига киритилиши	2010	3010 3190
112.	Тайёр маҳсулотлар омбордан цехларга қайтарилди	2010	2810
113.	Бевосита (иш хизмат)лар таннархига киритилган турли хил нақд йўллар билан тўланган сарфлар	2010	5010
114.	Мол етказиб берувчилардан бевосита цехларга кўрсатилган хизматлар ва ишлаб чиқариш учун келиб тушган моддий бойликларни акс эттирилиши	2010	6010
115.	Қондирилмаган даъволар суммасини асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари иш ва хизматларнинг таннархига киритилиши	2010	4210
116.	Асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмаларининг амалга оширилиши	2010	6520
117.	Асосий ишлаб чиқаришда ишлаётган ходимлар иш ҳақи ҳисобланди	2010	6710
118.	Ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган сарфларнинг ишлаб чиқариш ҳужжатларда акс эттирилиши	2010	4220
119.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаларини камайтириш (арзонлаштириш) томонига қайта баҳоланиши	9439	2010
120.	Асосий ишлаб чиқаришда омборга ярим тайёр маҳсулотлар кирим қилинганда	2110	2010
121.	Асосий ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархда акс эттирилиши	2810	2010
122.	Табиий офатлар ёнгин ва шу кабилар туфайли тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар	9720	2010
123.	Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган моддий бойликларнинг комомади суммасини акс эттирилиши	4630	2010
124.	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда тайёрланган ярим тайёр маҳсулотнинг омборга кирим қилиниши	2110	2010 2310 2510
125.	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларни арзонлаштириш	9439	2110
126.	Сотиш учун мўлжалланган ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотни тайёр маҳсулот сифатида акс эттирилиши	2810	2110
127.	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларнинг жўнатилиши	9110	2110
128.	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларнинг бошқа корхоналарга берилиши	9439	2110
129.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва бошқа ишлаб чиқариш	2310	0211

	цехларида ишлатиладиган асосий воситаларга эскириш ҳисобланиши	2320	0290
130.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга материаллар ишлатилиши	2310 2320	1010 1090
131.	Хайвонларнинг маҳсулот олиш учун сўйилишининг акс эттирилиши	2310 2320	1110 1120
132.	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларнинг ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланиши	2310 2320	2110
133.	Яроксиз маҳсулотлар кўрилган йўқотишларни ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлар таннархига киритилиши	2310 2320	2610
134.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришни турли ҳаражатларга нақд пул билан ҳақ тўланиши	2310 2320	5010
135.	Маҳсулот етказиб берувчиларнинг ёрдамчи ишлаб чиқаришга келиб тушган моддий бойликлар (сув, газ, энергия, алоқа) ва уларга кўрсатган хизматлар учун тўловни ҳисобланиши	2310 2320	6010
136.	Ёрдамчи цех ва бошқа ишлаб чиқариш ходимларининг мажбурий суғуртасига ажратмаларнинг акс эттирилиши	2310 2320	6510
137.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича қарзнинг акс эттирилиши	2310 2320	6710
138.	Ҳисобдор шахсларнинг олган суммаларидан ортиқча сарфланган ҳаражатлари бўйича қарзнинг акс эттирилиши	2310 2320	6870
139.	Капитал қўйилмаларни амалга оширишда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг иш ва хизматлари қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	0810 0890	2310 2320
140.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва цех ҳаражатларининг ўстиришдаги ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонларнинг таннархига киритилиши	1110	2310
141.	Ёрдамчи цех ва бошқа ишлаб чиқаришларнинг тайёр маҳсулотларини кирим қилиниши	2810	2310 2320
142.	Ёрдамчи ва бошқа цехларнинг ходимларига кўрсатган хизматлари қийматини ишлаб чиқариш	6710	2310 2320
143.	Ёрдамчи цехлар ҳаражатларининг бир қисмини айбдор шахслар томонидан қопланмайдиган моддий зарар суммасига	4630	2310 2320
144.	Табий офатдан, ёнғин ва шу кабилардан кўрилган зарарларнинг ёрдамчи ишлаб чиқариш ва бошқа ишлаб чиқариш цехлари ҳисобидан чиқарилиши	9720	2310 2320
145.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва бошқа ишлаб чиқариш цехларида аниқланган камомад ва бузилишларнинг акс эттирилиши	5910	2310 2320
146.	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда қатнашаётган ишлаб чиқариш ускуналари ва иморатларига эскириш ҳисобланиши	2510	0220 0290
147.	Умумишлаб чиқаришга материаллар сарфланиши	2510	1010 1020
148.	Тайёр маҳсулотнинг бир қисмини умумишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун сарфланиши	2510	2810
149.	Баъзи умумишлаб чиқариш ҳаражатлари қийматининг кассадан нақд пул билан тўланиши	2510	5010
150.	Умумишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича (сув, газ,	2510	6010

	энергия, алоқа) маҳсулот етказиб берувчиларнинг счётларини ҳисобланиши		
151.	Умумишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий суғурта ва пенсия жамғармасига ажратмаларнинг амалга оширилиши	2510	6520
152.	Умумишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланишга	2510	6710
153.	Умумишлаб чиқаришга берилган ортикча материаллар қайтарилганда	1010	2510
154.	Умумишлаб чиқариш ҳаражатларини тайёр маҳсулотлар таннархига киритилиши	2010	2510
155.	Ёрдамчи цехларга хизмат кўрсатишга доир ҳаражатларнинг иш ва хизматларининг таннархида акс эттирилиши	2310	2510
156.	Бекор туриб қолишлар сабабли кўрилган умумишлаб чиқариш ҳаражатларининг бир қисми жавобгар шахсга ўтказилса	4630	2510
157.	Табий офатлар, ёнгинлар ва бошқалар натижасида кўрилган умумишлаб чиқариш ҳаражатларининг бир қисмини зарарга ўтказилиши	9720	2510
158.	Яроқсиз маҳсулотни тузатиш бўйича материаллар сарфланса	2610	1010 1020
159.	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда аниқланган тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишларнинг ҳисобдан чиқарилиши	2610	2010 2310
160.	Яроқсиз маҳсулот ўрнига харидорга юборилган маҳсулот таннархининг акс эттирилиши	2610	2810
161.	Яроқсиз маҳсулотга оид турли хил ҳаражатларнинг банкдаги ҳисоб – китоб, валюта ёки махсус счётлардан тўланиши	2610	5110 5210 5230
162.	Яроқсиз маҳсулотни тузатиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширганлиги учун мол етказиб берувчилар счётининг акцептланиши	2610	6010
163.	Яроқсиз маҳсулотга оид бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган суммаларнинг брақдан кўрилган йўқотишларга олиб борилиши	2610	6530
164.	Тузилган яроқсиз маҳсулот учун меҳнат ҳақи суммаларидан ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар қилиниши	2610	6520
165.	Яроқсиз маҳсулотни тузатиш бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланиши	2610	6710
166.	Яроқсиз маҳсулотни қайтариш ва жўнатишга оид суммаларни ҳисобдор шахслар ҳисобидан чиқарилиши	2610	4420 4490
167.	Тузатиб бўлмайдиган брақни ҳисобдан чиқаришда олинган материалларни қирим қилиниши	1010	2610
168.	Яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишларнинг айбдорларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолишга	6710	2610
169.	Ўтган йиллардаги яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишларнинг зарарга ўтказилиши	9439	2610
170.	Вақтинчалик титулли ва титулсиз бино ва иншоатларни, қурилмаларни қуриш учун асбоб-ускуналарнинг берилиши	2710 2790	0710 0720

171.	Нокапитал ишларни бажариш учун материаллар берилганда	2710 2790	1010 1090
172.	Нокапитал ишларни бажаришда кўрсатилган ёрдамчи, ишлаб чиқариш хизматларининг ҳисобдан чиқарилиши	2710 2790	2310
173.	Нокапитал ишларни бажаришда мол етказиб берувчиларнинг ёки пудратчиларнинг кўрсатган хизматлари учун счётларнинг акцептланиши	2710 2720	6010
174.	Мажбурий мулкый ва шахсий суғурта бўйича ҳаражатларнинг акс этирилиши	2710 2720	6510
175.	Нокапитал ишларда банд бўлган ходимлар учун ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар қилиниши	2710 2790	6520
176.	Нокапитал ишларни бажаришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланиши	2710 2790	6710
177.	Асосий фаолият учун бажарилган нокапитал ишлар қийматини давр ҳаражатлари қийматига олиб борилиши	9430	2710 2790
178.	Ассий ёки ёрдамчи ҳақиқий таннархи бўйича тайёр маҳсулотларнинг кирим қилиниши	2810	2010 2310
179.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотни кирим қилиниши	2810	2310
180.	Кўргазмадан тайёр маҳсулотнинг омборга кирим қилиниши	2810	2820
181.	Мулкдордан устав капиталига қўйилма ҳисобига тайёр маҳсулотларнинг кирим қилиниши	2810	4610
182.	Тайёр маҳсулотлар қийматининг оширилиши	2810	9370
183.	Бепул олинган тайёр маҳсулотларнинг кирим қилиниши	2810	9380
184.	Инвентаризация натижада аниқланган тайёр маҳсулотларнинг ортиқча қисми корхона фойдасини оширилишига кирим қилиниши	2810	9390
185.	Шахсий эҳтиёжлари учун олинган тайёр маҳсулотларнинг материаллар таркибига ўтказилиши	1010	2810
186.	Тайёр маҳсулот омборидан ярқисиз маҳсулотни тузатиш учун маҳсулотларнинг берилиши	2610	2810
187.	Тайёр маҳсулотларни арзонлаштирилишини амалга оширилиши	9435	2810
188.	Инвентаризация натижасида камомаднинг аниқланиши	5910	2810
189.	Кўргазмага тайёр маҳсулотнинг берилиши	2820	2810
190.	Маҳсулотларнинг бепул берилиши	9110 9320	2810 9110
191.	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдан қайта ишлаш жараёнида олинган товарларни кирим қилиниши	2910 2920	2010 2310
192.	Олинган товарлар ва ижара буюмлари учун ҳақ тўлаш	2910 2920	5110 5210
193.	Қониктирилмаган даъво суммаларини товарлар ижара буюмларининг қийматига киритиш	2910 2940	4210
194.	Ҳисобдор шахслар орқали товарларни харид қилиш	2910	4230
195.	Мол етказиб берувчилардан товарларни олиш	2910	6010
196.	Мулкдорлардан устав капиталига қўйилма сифатига товарларни кирим қилиш	2910	4610
197.	Бепул олинган товарларни кирим қилиш	2910	9380
198.	Қайта ишлашга товарларни бериш	2010	2910
199.	Тайёр маҳсулотни сотишда товарлар ва идишлардан фойдаланиш	9410	2910

200.	Харидорларга товарларни кредитга, бартерга бошқа шаклда бериш	9120	2910
201.	Таварнинг сотиб олиш баҳоси бўйича йўлдаги камомадини акс эттириш	4210	2910
202.	Инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахс айби билан содир бўлган камомаднинг аниқланиши	5910	2910
203.	Хиссадорлик улуши сифатида товарларнинг қабул қилиниши	2910	4710
204.	Мустақил балансга эга бўлинмалардан товарнинг келиб тушиши	2910	4110
205.	Мустақил балансга эга бўлинмаларга корхона томонидан товарларнинг берилиши	4110	2910
206.	Идишлар билан боғлиқ муомалалар бўйича олинган даромадларнинг кирим қилиниши	2950	9390
207.	Келгуси давр ҳаражатларини амалга оширишга тааллуқли бўлган асосий воситаларга эскириш ҳисобланиши	3190	0211
208.	Келгуси давр ҳаражатларини амалга ошириш учун материаллар берилишига	3190	1010 1090
209.	Келгуси давр ҳаражатларига тааллуқли умумишлаб чиқариш ҳаражатлари улушининг ҳисобдан чиқарилиши	3190	2510
210.	Келгуси йилга обуна бўйича ҳаражатларнинг амалга оширилиши	3120	5110
211.	Корхона ходимлари учун узоқ муддатга йўл қарточкалари, патталарининг харид қилиниши	3120	5110
212.	Капитал қўйилмаларга тааллуқли келгуси давр ҳаражатларининг ҳисобдан чиқарилиши	0810 0890	3190
213.	Навбатдаги ҳисобот даврининг бошланишида келгуси давр ҳаражатларининг тегишли қисмини счётларга ўтказилиши	2110 2310 2510 9410	3110
214.	Келгуси давр ҳаражатларини нокапитал ишлаб қийматига киритилиши	2710 2790	3190
215.	Обуна бўйича ҳаражатларининг ҳисобот даврининг давр ҳаражатларига ҳар ойда киритиб борилиши	9410 9439	3120
216.	Натижаси бўлмаган ёки табиий офатлар ва кутилмаган ҳоллар туфайли зарарга олиб келган келгуси давр ҳаражатларини ҳисобдан чиқариш	9410 9439	3190
217.	Вақтли фарқларга тааллуқли ҳаражатлар бўйича солиқларни ҳисоблаш -узоқ муддатли қисмида -жорий қисмида	0930 3210	6410 6410
218.	Вақтли фарқлар бўйича муддатли узайтирилган фойда солиқни узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказиш	3210	0930
219.	Харидор ва буюртмачилар томонидан тақдим этилган счётлар бўйича маҳсулот иш ва хизматлар сотилишини акс эттириш	4010	9010 9020
220.	Асосий воситаларни сотиш билан боғлиқ харидорларнинг қарз суммасининг акс эттирилиши	4010	9210
221.	Мол етказиб берувчилар (пудратчилар) ва харидорлар ўртасида қарз мажбуриятини акс эттириш	7010	4010
222.	Харидор ва буюртмачилардан кассага маълум суммани	5010	4010

	келиб тушиши		
223.	Харидор ва буюртмачилардан уларга сотилган махсулот, иш ва хизматлар учун тўловларнинг келиб тушиши	5110 5210	4010
224.	Жўнатилган махсулот ва хизматлар юзасидан харидорларга даъвонинг ёзилиши	4860	4010
225.	Харидор ва буюртмачиларнинг қопланмаган қарзларининг зарарга ўтказилиши	9439	4010
226.	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзларининг даргумон қарзлар бўйича резерви ҳисобидан қопланиши	4910	4010
227.	Қайтариш даражасига кўра фоизлар ҳисобланган холда олинган векселлар бўйича қарзнинг қопланиши	5110 5210	4020
228.	Қарз берувчилардан қисқа ва узоқ муддатли қарз ўрнига векселлар олиниси	4020	6940
229.	Товарлар ва тайёр махсулотлар учун олинган векселларни ҳар ойда узоқ муддатли қисмидан жорий қисмига ўтказилиши	4020	0910
230.	Дебетор қарзни қайтариш учун корхона филиалидан асбоб-ускуналар, материаллар келиб тушиши	0710 1010 1110	4110
231.	Корхона филиалларига ва бошқа бўлинмаларга асосий воситалар, номоддий активлар ва материалларнинг берилиши	4110	0110 0410 1010
232.	Филиаллар ва бошқа бўлимлардаги ишчиларга меҳнат ҳақи учун пул маблағлари ажратиш	4110	5010 5110
233.	Дебетор қарзни қайтариш учун корхона филиалларидан кассага нақд пулнинг тушиши	5010	4110
234.	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр махсулотларнинг ички бўлинмаларга берилиши	4110	2110
235.	Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмалардан тушадиган фойда суммасини ҳисоблаш	4110	8710
236.	Фирма ва ваколатхоналар билан ҳисоблашишлар бўйича курс фаркидан даромад олиш	4110	9540
237.	Йўлдаги тайёр махсулотларнинг камомадини сотиб олиш қиймати бўйича акс эттириш	4860	2810
238.	Капитал қурилиш учун олдиндан тўланган ишларнинг ҳажмини ошиб кетиш баҳоларнинг мофик келмаслиги ва счётлардан хатолар бўйича пудратчиларга даъво берилиши	4860	0810
239.	Баҳоларнинг мувофик келмаслиги ва счётлардан арифметик хатолар бўйича материаллар табиий камайиш нормасидан ортиқча камайиши бўйича мол етказиб берувчиларга даъво билдириш	4860	1010
240.	Мол етказиб берувчиларга аниқланган хато суммаларини ва товарларнинг сифати бўйича эътирозларни билдириш	4860	6010
241.	Корхона счётларидан нотўғри ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича даъво билдириш	4860	5110
242.	Шартнома шартларини бузганлиги учун мол етказиб берувчиларга даъво билдириш	4860	6010
243.	Бошқа корхоналар шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун тақдим этилган жарима пеня суммасини акс эттириш	4860	9330
244.	Қоникмаган даъво суммасининг бошқа операцион	9439	4860

	ҳаражатларга ўтказиш		
245.	Олиниши керак бўлмаган даъво суммаларининг муомала ҳаражатларига олиб бориш	9419	4860
246.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш учун нақд пулда бўнак берилди	4310	5010
247.	Ҳисоб – китоб счётидан бўнак ўтказилди	4310	5110
248.	Олинган банк кредитлари ҳисобидан бўнак ўтказилди	4310	6910 7510
249.	Бошқа корхоналар (банкдан ташқари) нинг маблағлари ҳисобидан бўнак ўтказилди	4310	6930 7620
250.	Контракт бекор қилиниши натижасида олдиндан берилган бўнақлар кассага қайтарилди	5010	4310
251.	Олдинги бўнақлар ҳисоб-китоб ёки валюта счётидан қайтарилди	5110 5210	4310
252.	Олдинги берилган мол етказиб берувчиларга ёки пудратчиларга бўлган қарзларларни қоплашга ўтказилди	6010	4310
253.	Корхона томонидан даргумон қарз сифатида тан олинган, ўз вақтида талаб қилиб олинмаган қарзлар бўнак ҳисобига ҳисобидан чиқарилди	4910	4310
254.	Ишларни бажариш учун берилган бўнақнинг тегишли суммаси узок муддатли қисмидан жорий ҳар ойнинг бошида ўтказилиши	4310	0990
255.	Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан бўнак берилди	4210	5010
256.	Хизмат сафари учун ҳисобдор шахсларга бўнак берилди	4210	5010
257.	Банкдаги счётдан ҳисобдор шахсга бўнак берилди	4210	5110
258.	Ҳисобдор шахсларга кассадан пул ҳужжатлари (турли хил маркалар, чеклар) берилди	4210 4220	5610
259.	Ҳисобдор шахсларга берилган банкнинг фойдаланилмаган суммасини кассага қайтарди	5010	4220
260.	Келгуси меҳнат ҳақи юзасидан ишчиларга берилган бўнақлар ушлаб қолинди	6710	4220
261.	Ҳисобдор шахслар шартномага кўра бошқа ташкилотлардан бўнак олинди	4290	4890
262.	Ҳисобдор шахслар йўл ҳужжатлари олинди	4290	5520
263.	Ижара варақаларига мувофиқ, ноқонуний сарфланган суммалар ҳисобдор шахслар ёки бошқа айбдорлар ҳисобига олиб борилди	4730	4220
264.	Ҳисобдор шахслар харид қилинган турли хил пул ҳужжатлари (маркалар йўлланмалар)га ҳақ тўладилар	5610	4290
265.	Фойдаланмаган пул ҳужжатлари қайтарилди	5520	4290
266.	Ҳисобдор шахслар яроксиз маҳсулот билан боғлиқ турли хил ҳаражатларни тўладилар	2610	4290
267.	Ҳисобдор шахслар яроксиз маҳсулот билан боғлиқ турли хил ҳаражатларни тўладилар	9410	4290
268.	Ҳисобдор шахслар айрим товарларни сотиб олдилар	2910	4290
269.	Харид қилинган моддий ресурслар, ишлар ва хизматларга оид ҚҚС суммаси акс эттирилган	4410	6010
270.	Жорий тўловлар тўғрисидаги маълумотномага мувофиқ бюджетга солиқлар бўйича бўнақлар ўтказилди	4410	5110
271.	Ходимларнинг алоҳида категорияларига махсус кийим ва пойафзалларнинг тўловини узайтириш тартиби билан	4710	1010

	берилди		
272.	Яроксиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар моддий зарарни юзага келтирган айбдор шахслар ҳисобига ўтказилди	4730	2610
273.	Ходимларга берилган нақд пуллардаги қарз суммаси акс эттирилди	4220	5010
